

**УЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА УРТА
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**МИРЗО УЛУГБЕК НОМИДАГИ САМАРКАНД ДАВЛАТ
АРХИТЕКТУРА-КУРИЛИШ ИНСТИТУТИ**

**Бакалавр битирув иши
буйича услубий кулланма**

Йуналиши: 5210900-«ДИЗАЙН»

САМАРКАНД-2006й.

Тузувчи Э.М.Мухаммадиев.

Ушбу услубий кулланма Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тугрисида» ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тугрисида»ги қонунларини бажариш юзасидан ва олий маълумотли юкори малакали кадрлар тайёрлашмаксадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001- йил 16 августиди 343-сонли қарори асосид «Олий таълимнинг давлат таълим стандартлари»га мувофиқ ҳолда тузилган.

Малакавий битирув ишини бажариш-олий укув юрти бакалаврият таълим йуналишидаги талабалар учун уқилишнинг якуний босқичи булиб, замонавий ижодиёт, ишлаб чиқариш, иқтисодиёт, техника ва маданиятнинг ривожланиши шароитида булажак дизайнерларни мустиқил иш фаолиятига тайёрқарлигини таъминлашга ургатади.

СамДАКИ нинг «Дизайн» кафедрасида олиб борилаётган тажриба шуни қурсатадики, танлаб олинган мавзулар асосида талабалар турли қашфиётлар ва ижодий ишларга амалиёт даврида дуч келишиади. Шу сабабли малакавий битирув ишининг мавзулари талабаларга ёзги ишлаб чиқариш амалиётининг бошланиши (7-семестр) дан аввал берилади. ;-курс бошлангандан эса талабалар томонидан танлаб олинган мавзу тасдиқланади ва 7-семестр давомида бакалавр укув режаси асосида малакавий битирув иши лойихаси бажарилиб борилади..

Ҳар бир талаба учун малакавий битирув ишига рахбар ва маслахатчи кафедра томонидан тасдиқланади.

Мирза Улугбек номидаги Самарқанд Давлат Архитектура қурилиш институти илмий-услубий кенгашининг қарорига мувофиқ нашрга тайёрланди.

Такризчи: А.С.Уролов

Мирзо Улугбек номидаги Самарқанд Давлат Архитектура Қурилиш институти.

Самарқанд Архитектура Қурилиш институти 2006 йил.

Бакалавр битирув иши малакавий иш булиб, бакалаврнинг кай даражада касбий (профессионал) жихатдан тайёрлаганлигини тавсифловчи, унинг етуклигини ва касб фаолиятининг жахон стандарти тажрибаларига ҳамда саноат ва маданий буюмларга куйиладиган замонавий талабларга жавоб берадиган, жахон бозорида ракобатбардошлик даражасига кутарила оладиган, Фан, техника замонавий технология ва иктисодий ривожланишга мос келадиган ва назарий салмоги жихатдан ва профессионал булган ишланмани уз ичига олмоги лозим.

Бакалавр битирув ишида танланган мавзунинг долзарб булишлиги Ўзбекистон Республикасининг бозор муносабатларига утиш йули ва погоналарини узида акс эттириш, уларнинг хусусиятларини, принципларини ва куринишларини, иктисодий хусусиятларини ва шаклларини курсата билишлигини, бозор инфраструктураси талабларига мос келган холда муайян техникавий, методик ва лойихавий масалаларни ечишга йуналтирилган булиши лозим.

Бакалавр битирув ишида танланган мавзуни бугунги кунда долзарб, замон талаблари ва эhtiёжларига мос булишлиги, Ўзбекистон Республикасининг бозор иктисодиётига утиш ва погоналарини узида акс эттириш уларнинг принципларини, хусусиятларини, эстетик, иктисодий талабларидан келиб чикан холда курсата билишлиги, бозор инфраструктурасига мос муайян методик ва лойихавий масалаларни ечишга йуналтирилган булиши лозим.

Интерьернинг меъморий бадий ечимида Бакалавр

- Танланган мавзунинг долзарблигини асослаши;
- Кутарилган мавзу холатини шархи ва тахлилини курсатиш;
- Мавзунинг Бадий, иктисодий, конструктив, талабларга куйилган масала ечимининг мумкин булган вариантларини тахлил килиши ҳамда оптимал ечимини аниклаши;
- Танланган объектни социаллиги, макса два вазифалари, функционалиги тахлил килиши;
- Бино хоналарининг Замон талабларига мослиги даражасини таъминлашига ва эстетик юксаклигига эришиш;
- Хоналарнинг керакли хажмини ва параметрларини аниклаш ва асослаш;
- Хоналарнинг узаро функционаллик богланиши схемасини туза олиши;
- Композицион ечимида узаро боғланганлиги ва ранг гармониясига эришиш;
- Колористик ечимида одамнинг психофизиологик, эргономик хусусиятларини эътиборга олишлиги;
- Хоналар жихозлари ечимида уларнинг конструктивлиги, Бадийлиги, эстетик етуклиги, эргономик талабларга асосланганлиги;
- Хоналарнинг табиий ва сунъий ёруглик билан таъминланишида физикавий назарияларга таянганлиги ва халкаро нормаларга асосланганлиги;

-Танланган мавзунинг методик ечими, вариантларнинг оптималлигини назарий ва тажрибада асосланиши;

-Интерьер ечимда типологик, ёнгиндан хавфсизлик ва меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларига риоя қилиниши;

-Интерьерда санъатлар синтезини яратиш унинг образлилигига эришиш;

Лойиха ҳажми:

-Интерьерларнинг плани;

-Интерьер ёйилмалари;

-Интерьер перспективаси;

-Киркими;

-Жихозлардан қисмлар;

-Кулланилган ранглар тизими (колористик тизим)

-Макет;

-Ташкилотнинг логотипи, эмблемаси;

-Пиктограммалари;

-Плакати;

-Реклама қурилмаси;

-Реклама қурилмаси, логотипи ва эмблемасининг фасаддаги урнаштирилганлиги;

-Фасаднинг муҳитга оларистик (полихромик) боғланиши. (фасад талаб қилинган тақдирда);

- Макет;

Битирув ишининг дараси талаб олган билими ва мутахассислик укув дастурларига жавоб бериши лозим. Ушбу ишнинг бажарилиши талабанинг мустақил равишда ижодий, илмий тадқиқот олиб бориши, касбий муаммоларни тушунганлиги ва керакли малакага ва қуникмаларга эга бўлганлиги, бадий диди шаклланганлиги ҳамда уларни ечишга қаратилган умумий услубларни билишидан далолат бериши зарур.

Битиув ишига раҳбар:

-Топширик беради;

-Битирув иши бажарилиш жадвалини тузади;

-Керакли адабиётлар, маълумотлар мавзу бўйича лозим бўлган манбаларни тавсия этади;

-Талбанинг ижодий, илмий-тадқиқот ишида кумакдошлик қилади.

-Мунтазам равишда маслаҳат бериб боради;

-Битирув ишининг сифатига жавобгардир;

-Битирув ишининг айрим қисмлари бўйича тегишли мутахассисларнинг консультацияларини ташкиллаштиради;

БИТИРУВ ИШИНИНГ БАЖАРИЛИШ СТРУКТРАСИ

- Лойиха
- Макет
- Тушунтириш тавсифномаси

I-лойиха кисмида талаба бажарган иш бугунги куннинг маданий, эстетик, социал Бадий талабларига тугри ёндошилган, жамият учун кулай, зарур, юкори дидли, хархил структурали, системали лойихалашга кодир профессионал махорат ва билимга эга булган булиши лозим. Талаба уз лойихасида Бадий образлиликка катт эътироф бериши, композицион махорат ва услубий нафслик, ранглар мажмуасининг инсон физиологиясига мосланиш даражасини таъминлай олиши, миллийлик, жихозлар уйгунлилигини ярата олиши лозим. Талаба олдида куйиладиган яна бир мухим вазифа лойиханинг услубий ва график ечими булиб кандай услубда бажарилишидан катъий назар у жозибатор, узида хос булиши лозим. Шунингдек объектнинг структуравий ечимида ашёларнинг урни уларнинг уз урнида кулай булиши каби вазифалар хам лойихадан четда колмаслиги лозим.

Дизайнер интерьерда ашёларнинг бадийлик хусусиятлари ва имкониятларини хисобга олган холда, максадли куллай олиши лозим. Чунки уларнинг ранг ва фактуравий хусусиятлари инсон рухиятига таъсири турлича булиб улар инсонни атроф мухит билан асоциатив равишда боглаб туради.

Танланган мавзу асосида:

-Лойиха ишларини бажарилиш жараёнида талаба турли бино аналоглари билан танишади, услублар, композицион шаклларни ургатади. Бадийлик, тектоник, эргономик жихатларни урганиб уларнинг архитектурадаги мохиятини тахлил килади.

-Ранглар (полихромик) мажмуасини яратиб уз лойихасида куллаш учун замин яратади. Шунингдек аналогларни урганади. Ранг ечими буйича хулосавий ечимга келади;

-Танланган объектнинг меъморий планлари фасади, мухити кичик формалар тизими, ландшафтдаги жойланиш тизимини урганади;

-Ташки ва ички боғланиш бинонинг функционалиги, конструктив асослари билан танишади;

-Корхонанинг хусусий сифатларини яъни унинг халк хужалигида тутган урни каби масалалар билан шугулланади. У чиқарадиган махсулотлар тизимини урганади.

-Урганилган барча материаллар асосида талаба узининг лойихавий концепциясини тузади.

II-МАКЕТ. Лойиханинг бир кисми булиб, у лойихадаги тасвирни реал тасаввур кишишга ёрдам беради. Унинг образи фазовийлиги хусусиятларини тектоник, конструктив характерини ёритади. Бунда талаба дастгохлар, жихозлар, фактуравий жихатларни турли декоратив безаклар, услубий

ечимга ишора, хоналарнинг узаро боғликлиги кабиларни масштабда Бера олиши лозим.

Айрим холларда макетни аксонометрик тасвир билан алмаштиришга рухсат берилиши мумкин. Бунда айрим холлар яъни ранг ечими билан ёки ута майда деталларни куплиги макетнинг яхлитлиги, бадийлигига салбий таъсир курсатадиган холларда рахбарнинг рухсати билан амалга оширилиши мумкин.

III ТУШУНТИРИШ ТАВСИФНОМАСИНИНГ ТУЗУЛИШИ

-Сар варақ;
-Мундарижа;
-Кириш, архитектуравий кисм;
-Лойихага оид интерьерлар ва уларнинг ечимлари анализи. (Бадий ечим кismi);

-Бадий конструктив кисм

-Таклифлар;
-Хулосалар;
-Фойдаланилган адабиётлар;
-Сарварақ-Битирув ишининг биринчи кismi бўлиб, урнатилган тартибда тулдирилади;

-Мундарижа- Битирув ишининг бажарилиш тартиби ва кетма-кетда ёзилишини курсатади;

-Кириш- Мавзу долзарблиги, ишнинг мақсади ва вазифалари, муаммонинг ечилиш даражаси;

-Меъморий кисм-бинонинг тарихи ва тарзининг, перспектива ёки аксонометриясининг меъморий талабларга мослиги, меъморий композициянинг сифатлилиги, улчам ва меёрларнинг стандартлилиги, графикавий ечимининг ёркинлиги, полихромик ечимининг уйғунлиги.

-Бадий кismда- мавзунинг умумий характеристикаси интерьернинг меъморчиликдаги урни, интертер ва стиль, даврнинг меъморчиликка таъсири.

Турли интерьерлар ва уларнинг тарихни ривожини анализи.

Интерьер композицияси функционаллик талаблар, интерьер ва жихозлар, эргономик талаблар ва хоказолар ётирилади.

-конструктив кисм-бино ва дизайн элементларининг конструктив талабларга жавоб бериш, интерьер, экстерьерларда ишлатилаётган конструкциялар ва материалларнинг замонавийлиги, пластик ечимининг мантикийлиги.

Таклифлар-танланган мавзу асосида назарий (амалий) кашфиётлар;

-Курилатган мавзунинг назарий модели; (физиологик талаблар асосида).

-Эргономик кismга таклифлар;

-Жихозлар ва ранг ечимига таклифлар.

Хулосалар –ишнинг назарий ва амалий аҳамияти акс этдирилади. Хулосалар аниқ ва қисқа бўлиши, ҳар бир хулоса номерланиши керак.

Тушунтириш тавсифномасининг умумий ҳажми одатда 40-50 бет, компьютерда (ёки машинада) матнида 1,5 интервалда бажарилади.

Битирув ишининг ёзма қисмида талаба томонидан киритилган янгиликлар, узеллар, ранглар, композиция ва бошқа муйян махсулот қисмларининг тавсифи ва ижобий томонларини курсатиши керак. Эргономика қисмида махсулотнинг функциявий жихатидан қулайлиги тасвирланади, шу буюмнинг иктисодий жихатдан тежамкорлиги, хом-ашё жихатидан в композицион- бадий қурилиши жихатидан талабга жавоб бериши,, ҳамда техник жихатдан хавфсизлиги, киши фаолияти билан боғлиқлиги схематик тасвирлар ва аннотация билан тулдирилади.

Баждарилган битирув иши ечилган муаммо турига қараб қорхоналарда ёки укув муассаларда қулланилиши керак.

Матннинг қисқа, аниқ ва равон ёзилиши лозим, охирида фойдаланилган адабиётлар руйхати курсатилиши керак. Бунда фойдаонилган китоблар уларнинг муаллифлари, руйхати, номи, Чоп этилган йили ва шаҳри курсатилиши керак. Хамма матн ва рақамлар, чизмалар, график расмлар, схематик тасвирлар ва лойихалар кетма-кет бетланади.

Битирув иши тавсифномаси талаба уқиган тилда ёзилиши тавсия этилади. Агар тавсифнома чет тилида (инглиз, немис, француз ва хоказо) ёзилган бўлса, иш бошида узбек ва рус тилларда ишнинг қисқача аннотацияси келтиради ва Ушбу талабани чет тилида ёзганлиги учун рағбатлантирилади. Келажакда уни магистратурага қабул қилишда танловдан утишида имтиёз берилади.

Мавзунинг мазмунини намойиш қилиш мақсадида лойиха асосида (лойиха 8-10 планшетдан иборат бўлиб, улчами 60x80 см бўлади) макет маълум бир масштабда (иш рақбари билан қелишилган ҳолда) баждарилади. Лойихалар масштаби 1:50; 1:25; 1:10; 1:1 бўлиши мумкин.

Битирувишига рақбар тақризиди қуйидагилар ёритилади:

- битирув иши мавзусининг долзарблиги;
- мавзунинг кафедра йуналишига боғлиқлиги;
- мавзунинг янгилиги;
- битирувчининг қашфиётга бўлган қобилияти ва мойиллиги бўйича қисқа тавсиф;
- хулосалар сифати;
- баждарилган битирув ишига қуйидагилар талабларга мувофиқлиги.

Кафедра битирув ишини ташки тақризчига юбориш ҳуқуқига эга, кафедранинг етук доцентлари ёки етакчи уқитувчилари тақриз қилиш учун бериши мумкин.

Такризда куйидагилар ёритилади:

- мавзу долзарблиги;
- кашфиёт янгилигининг асосланганлиги;
- ишнинг амалий ахамияти;
- ишнинг мазмуни ва тугалланганлигининг танкиди бахоси;
- материални баён қилиш усули ва тили;
- ишнинг малакавий битирув ишига куйидагилар талабларга мувофиқлиги.

МАСШТАБЛАР:

1:50=1М=2 см

1:100=1м=1см

1:75=1м=4см

1:20=1м=5 см

1:0=1м=10 см

Кафедра мудири, такдим этилган материаллар асосида битирув иши талаба томонидан Давлат Аттестация Комиссияси (ДАК) да химоя қилишга Кириши ҳақида қарор қабул қилади. Агар кафедра мудири талабанинг битирув ишини химояга киритиш мумкин эмас деб ҳисобласа, масала кафедра мажлисида ишнинг раҳбари иштирокида муҳокама этилади. Кафедра мажлиси баённомаси факультет декани томонидан тасдиқ учун ректорга такдим этилади.

ДАК таркиби 5-6 кишидан иборат бўлиб, уларнинг 40-50 фоизи ташқаридан таклиф қилинган етук мутахассислардан иборат бўлади.